## ҲИСОБ-ШАРТНОМА № 8
(сиқилган табиий газ сотиш-олиш учун)

«7» Январ 2022 йил Қумқўрғон тумани.

«Qumqo'rg'on metangaz» МЧЖ номидан кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи бошлиқ **А.Кучаров** бир томондан, "Довуд-хўжа нишизорон" ДИ номидан кейинги ўринларда
(корхона,ташкилот номи)

«Харидор» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи раҳ. И. Эргозоров
(Устав,Низом) (вазифаси, фамилияси, исми)

иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

### 1.Шартнома предмети.

1. «Сотувчи» маҳсулот билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади. «Харидор» олинган маҳсулот ишлатилишини ва махсулот учун белгиланган тартибда туловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

| Товар–моддий бойликнинг номи | Улчов Бирлиги | Микдори | Нархи | ҚҚС | | Жами сумма акциз ва ҚҚС билан (минг сум |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Ставка 15% | Суммаси | |
| **Сиқилган табиий газ** газбаллонли автомашиналар учун (СПГ) м.кубда(митан) | М3 | 450 | 2400 | | | 1080000 |

Жами тўлашга ҚҚС билан 1080000,0 (бир миллион саксон минг) сум
(сумма сўз билан)

1.1. «Харидор» га махсулотни Узбекистон Республикаси конунлари ва солик кодексига асосан акциз солиги суммасининг узгариши билан амалга оширилади.
1.2. «Сотувчи» автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станция (АСГТКС)си оркали «Харидор» автомашиналаридаги газ баллонларни газ тўлдириш билан амалга оширилади.
1.3. Таъминот санаси бўлиб «Харидор» автомашинасининг газ олган вақти ҳисобланади.

### 2. Ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Шартноманинг тузилиш вақтидаги умумий сумма 1080000,0 (шундан ҚҚС 140868 сумни ташкил этади) сўм.
2.2. Сиқилган таббий газнинг 1 м$^3$ ҚҚС билан маҳсулот учун тўлов олинган кундаги нарх билан амалга оширилади.
2.3.Сиқилган таббий газни қуйиш "Харидор" томонидан "Сотувчи" ҳисоб рақамига олдиндан 100% пул маблағи кўчирилгандан сўнг "Харидор" томонидан такдим қилинган рўйхат, ишончнома ва белгиланган тартибдаги тарқатиш ведомости (№ 1 илова) га асосан кўчирилган пул маблағи доирасида амалга оширилади.

### 3. Махсулот сифати.

3.1. «Сотувчи» томонидан берилаётган махсулот сифати Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган ГОСТ 27577-87 га тўғри келади.

### 4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. «Харидор» автомабилларнинг техник холатини, техника хавфсизлигини, ёнгин хавфсизлигини ва газ баллон ускуналарининг экологик ва санитария хавфсизлигининг сакланиши юкланади.
4.2. «Харидор» мажбур: а) автомабилнинг газ баллон ускуналаридан фойдаланишда «босимда ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатиш қоида»си, тегишли барча харакатдаги қўлланмалар ва йўриқномалар талабларини тўлиқ сўзсиз бажаришга.
б) Автомобилнинг моддий қисми ва газ баллон ускунасини доимо соз ҳолатда сақлашга.